


ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ БИРЛАМЧИ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

Тошкент 2026 й.



ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ БИРЛАМЧИ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ



Давлат-хусусий шериклик соҳасидаги қонунчиликнинг бирламчи юридик таҳлили.

Буюртмачи: “Юксалиш” ҳаракати

Ижрочи: Юрист Мухриддинхон Файзуллаев.

EGED дастури доирасида, “Юксалиш” ҳаракати буюртмасига асосан тайёрланган мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий шериклик (ДХШ) соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базанинг ҳуқуқий таҳлилини ва унинг очиқлик ҳамда бошқарув бўйича халқаро стандартларга (UNCITRAL, OECD, World Bank PPP Framework, OCDS, CoST, UNCAC, SOURCE) мувофиқлигини тақдим этади.

Ишда тадқиқотнинг предмети ва методологияси ёритилган, миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимлаштирилган, шунингдек, лойиҳалар ҳаётий цикли давомида маълумотларни ошкор қилиш, коррупцияга қарши қафолатлар, хатарларни тақсимлаш ва жамоатчилик назорати механизмларидаги бўшлиқлар аниқланган.

Алоҳида бўлимлар жамоатчилик мониторингига, мажбурий эълон қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхатига, шартномаларга қўйиладиган талабларга, ҳуқуқий чек-листга ҳамда SOURCE платформасини қўллаш масалаларига бағишланган.

Шаффофлик, ҳисобдорлик ва инвесторларни ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича қисқа ва ўрта муддатли тавсиялар шакллантирилган. Ҳуқуқий таҳлил ДХШ лойиҳаларини жамоатчилик мониторинги қилиш методологиясини асослаб беришга хизмат қилади, шунингдек, ДХШ соҳасида ҳуқуқий ислоҳотлар бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Ҳужжат ДХШ лойиҳалари иштирокчилари, давлат органлари, тадқиқотчилар, жамоат ташкилотлари ҳамда давлат-хусусий шериклик механизмларини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган фуқаролар учун мўлжалланган.

Ушбу таҳлил «Иқтисодий ривожланиш учун самарали бошқарув» (EGED) дастури доирасида тайёрланган бўлиб, Буюк Британия ҳукуматининг халқаро тараққиётни қўллаб-қувватлаш бўйича молиявий кўмаги ҳисобидан амалга оширилган. Таҳлил мазмуни учун масъулият «Юксалиш» ҳаракати зиммасига юкланади. Мазкур ҳужжатда билдирилган фикрлар Буюк Британия ҳукуматининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмаслиги мумкин.

© Файзуллаев М., 2026 й.

© «Юксалиш» ҳаракати, 2026 й.

Матн ва унинг фрагментларини ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар орқали қайта чоп этишда манбани кўрсатиш ҳамда ҳуқуқ эгаларига қуйидаги электрон почта манзили орқали хабар бериш зарур: info@yuksalish.org

МУНДАРИЖА

1. ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ	5
1.1. Ўрганишлар предмети ва қўйилган вазифалар	7
1.2. Таҳлил қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар	8
1.3. Ўрганиш методологияси	9
2. ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР НОРМАТИВ ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ	10
2.1. Фойдаланилган халқаро норматив стандартлар	10
2.2. Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон қонуни таҳлили	11
3. ЖАМОАТЧИЛИК МОНИТОРИНГИ	15
3.1. Амалдаги қонунчилик бўйича очиқ эълон қилиниши шарт бўлган ҳужжатлар	15
3.2. Халқаро стандартлар ва юқоридаги таҳлиллар асосида очиқ эълон қилиниши шарт бўлган ҳужжатлар	16
3.3. Коррупция ва манфаатлар тўқнашуви	17
3.4. Халқаро стандартларга кўра ДХШ шартномаларга қўйиладиган талаблар	19
3.5. Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) объектини текшириш учун ҳуқуқий чек-лист	21
3.6. «SOURCE» халқаро платформаси	24
4. НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРГА КИРИТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН БЎШЛИҚЛАР	26
4.1. Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сонли Қонунчилигидаги бўшлиқлар	26
4.2. Бартараф этилиши керак бўлган бўшлиқлар	28
4.3. Халқаро стандартлар асосида киритилиши лозим бўлган нормалар	28
4.4. ДХШ соҳасидаги таклифлар учта йирик гуруҳга бўлиш мумкин	29

1. ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Ушбу таҳлил «Иқтисодий сиёсатда ҳукуматларнинг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини кучайтириш» (EGED) лойиҳаси доирасида, Буюк Британия Ташқи ишлар, Ҳамдўстлик ва тараққиёт идораси (FCDO) томонидан 2025 йил 20 октябрдаги №20102025-07 грант келишуви асосида молиялаштирилган ҳолда амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади — Ўзбекистондаги давлат-хусусий шериклик (ДХШ) ҳуқуқий базасини халқаро стандартлар (UNCITRAL 2019, OECD 2012, World Bank PPP Framework, OCDS, CoST, SOURCE, UNCAC) билан таққослаш, шаффофлик, ҳисобдорлик ва антикоррупция кафолатлари даражасини баҳолаш ҳамда қонунчилик ва институтларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар тайёрлашдан иборат.

Асосий хулосалар

- **Ўзбекистон Республикасининг** «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни №ЗРУ-537 (2019 йил 10 май, кейинги ўзгаришлар билан) ДХШ учун асосий ҳуқуқий асосни белгилайди. Унда резидентлар ва норезидентлар тенглиги, хусусий шерикни танлашда танлов асосидаги тартиб ва халқаро шартномалар устуворлиги назарда тутилган.
- 2024 йил 30 октябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг №720 қарори билан ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тасдиқланди ва қиймати 10 млн АҚШ долларида юқори бўлган лойиҳалар учун SOURCE халқаро платформасидан мажбурий фойдаланиш жорий этилди.

Бироқ таҳлил қатор тизимли бўшлиқларни аниқлади:

- **Шаффофликнинг етарли эмаслиги** — ДХШ шартномаларининг тўлиқ матни, барча ўзгаришлар ва қўшимча келишувлар, давлат кафолатлари ва имтиёзлар иқтисодий асосланиши, КРІ ҳисоботлари мажбурий тарзда эълон қилинмайди. Амалдаги норма (ЗРУ-537, модда 20) фақат «асосий маълумотлар» билан чекланади.
- **Инвесторлар ҳимоясининг суғлиги** — Валюта ва инфляция хавфларига мослашиш механизмлари, хусусий шерикнинг чиқиш стратегияси (exit strategy) ва хавфларни мутаносиб тақсимлаш аниқ белгиланмаган.
- **Коррупция ва институционал хавфлар** — Тендер комиссияси аъзолари томонидан манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш, мустақил экспертлар ва фуқаролик жамияти вакиллари жалб этиш, мустақил аудит ва парламент назорати мажбурий эмас. Бир орган кўпинча ташаббускор, тендер ташкилотчиси ва назоратчи сифатида бир вақтда иштирок этади.
- **Мажбурий тартиб-таомилларнинг йўқлиги** — Экологик ва ижтимоий таъсирни баҳолаш (ESIA), дастлабки босқичда жамоатчилик муҳокамалари, хусусий шерикларнинг Due Diligence текшируви, очиқ маълумотлар форматида (OCDS) эълон қилиш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаган.

Асосий тавсиялар

Қисқа муддатли (3–12 ой):

1. ЎРҚ-537 ва №720 қарорга ўзгартиш киритиб, ДХШ шартномаларининг тўлиқ матни, барча ўзгаришлар, имтиёз ва кафолатлар иқтисодий асосланиши, KPI ҳисоботларини OCDS форматида эълон қилишни мажбурий қилиш.
2. Тендер комиссияси таркибининг камида 30%ини мустақил экспертлар ва ННТ вакиллари ташкил этишини таъминлаш, барча иштирокчилар учун манфаатлар тўқнашувини декларация қилишни жорий этиш.
3. Валюта ва инфляция хавфларига қарши ҳуқуқий механизмлар, қонунчиликдаги кескин ўзгаришлардан ҳимоя ва чиқиш тартибини қонун билан мустаҳкамлаш.
4. Белгиланган порогдан юқори лойиҳалар учун мустақил аудит ва парламент назоратини мажбурий қилиш.

Ўрта муддатли (12–24 ой):

1. ДХШ объектларини олдиндан ҳуқуқий текшириш учун ягона чек-лист жорий этиш.
2. SOURCE платформаси талаблари билан миллий тартиб-таомилларни тўлиқ уйғунлаштириш ва қўлланилишини кенгайтириш.
3. Лойиҳа тайёргарлик босқичида ESIA ва жамоатчилик консультацияларини мажбурий қилиш.
4. ДХШ лойиҳаларининг ягона очиқ реестрини яратиш ва маълумотларни реал вақтда янгилаб бориш.

Институционал ва инновацион чоралар:

1. ДХШ устидан назоратни амалга оширувчи мустақил орган ташкил этиш, ташаббус/танлов ва назорат функцияларини аниқ ажратиш.
2. AI технологияларини пилот тарзда жорий этиш: манфаатлар тўқнашувини автоматик аниқлаш, иштирокчилар Due Diligence текшируви, KPI мониторинги ва коррупция хавфларини баҳолаш.
3. ДХШ мутахассислари учун мунтазам ўқув ва сертификатлаш дастурларини ташкил этиш.

Кутиладиган натижа

Таклиф этилган чоралар шаффофлик ва ҳисобдорликни сезиларли оширади, коррупция хавфларини камайтиради, халқаро инвесторлар ва молия институтлари ишончини мустаҳкамлайди, фискал хавфларни бошқаришни яхшилайдиган ва «Янги Ўзбекистон — 2030» стратегияси мақсадларига эришишга хизмат қилади.

Тўлиқ таҳлил (58+ саҳифа) ўз ичига қиёсий жадваллар, тайёр ҳуқуқий чек-лист, ДХШ шартномаларига қўйиладиган намунавий талаблар ва уч йўналиш бўйича (институционал ривожланиш, шаффофлик ва сунъий интеллектни қўллаш) батафсил таклифларни қамраб олган.

«Юксалиш» ҳаракати 2026 йилда устувор қонунчилик ислохотларини илгари суриш, жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш ва техник кўмак кўрсатишда ҳамкорликка тайёрлигини билдиради.

1.1. Ўрганишлар предмети ва қўйилган вазифалар

“Юксалиш” ҳаракати, Буюк Британия Ташқи ишлар, Ҳамдўстлик ва тараққиёт офиси (FCDO) томонидан молиялаштирилаётган, Ривожланиш сиёсати институти (Қирғизистон) билан ҳамкорликда амалга оширилаётган 2025-йил 20-октябрдаги 20102025-07-сонли Грант шартномаси асосидаги “Иқтисодий сиёсатда ҳукуматларнинг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини кучайтириш” (EGED) лойиҳаси доирасида ДХШ қонунчилигининг ҳуқуқий базаси юридик таҳлил этилди.

Ушбу таҳлилнинг асосий мақсади – Ўзбекистондаги ДХШ ҳуқуқий базасини халқаро стандартлар билан қиёсий ўрганиш, амалдаги қонунчиликдаги шаффофлик ва ҳисобдорлик механизмларини баҳолаш ҳамда уларни такомиллаштириш йўналишларини белгилашдан иборатдир. Таҳлил жараёнида БМТнинг UNCITRAL модел қонунлари, Халқаро стандартлар (CoST, OCDS), Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банкининг тавсиялари, шунингдек, Сингапур, Буюк Британия, АҚШ, Ҳиндистон, тажрибалари ўрганилди. Шу билан бирга, миллий қонунчиликдаги коррупцияга қарши қафолатлар, очиқ маълумотлардан фойдаланиш имкониятлари ва шартномавий муносабатлардаги ҳуқуқий аниқлик даражаси таҳлил қилинди. Бу орқали ДХШ соҳасидаги ҳуқуқий ислохотлар учун илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишга замин яратилиши мумкин.

Ўрганиш давомида қуйидаги хулосаларни амалга ошириш мумкин.

ДХШ тўғрисидаги ЎРҚ-537-сон Қонун соҳадаги асосий ҳуқуқий базани белгилайди, аммо амалиётда унинг нормаларига аниқлик ва халқаро стандартларга уйғунлаштириш зарур. Шунингдек:

- Очиқ эълон қилиниши шарт бўлган ҳужжатлар рўйхати тўлиқ белгиланмагани шаффофликка салбий таъсир кўрсатади.
- Халқаро стандартлар (OECD, UNCITRAL, World Bank PPP Framework) билан уйғунлаштириш шартномаларнинг барқарорлиги ва инвесторлар ишончини оширади.
- ДХШ соҳасидаги Низомлар ва меъёрий ҳужжатлар парчаланган ҳолда мавжуд, уларни комплекс тизимлаштириш зарур.
- ДХШ объектини текшириш учун ҳуқуқий чек-лист хавфларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этишда самарали восита ҳисобланади.
- Коррупция ва манфаатлар тўқнашуви хавфини камайтириш учун очиқлик, ҳисобдорлик ва мустақил мониторинг механизмлари зарур.

Ўрганиш давомида қуйидаги тавсиялар ҳам бериб ўтилади:

- ДХШ тўғрисидаги қонун ва унга боғлиқ меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартлар билан янада таққослаган ҳолда аниқ ва амалий нормалар киритиш.
- Барча тендер ҳужжатлари, шартнома матнлари ва молиявий ҳисоботларни очиқ эълон қилиш мажбуриятини қонун даражасида белгилаш.
- ДХШ объектларини баҳолашда ҳуқуқий чек-листдан мажбурий фойдаланишни жорий этиш, уни аудиторлар ва назорат органлари учун стандарт воситага айлантириш.
- Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш учун декларация тизими, мустақил мониторинг ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.
- Халқаро платформалардан (SOURCE, World Bank PPP Knowledge Lab) фойдаланиш орқали лойиҳаларни баҳолаш ва халқаро инвесторлар учун ишончли муҳит яратилиши бўйича ишларни жадаллаштириш лозим бўлади.
- Комплекс тизимлаштириш

1.2. Таҳлил қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

Таҳлил давомида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилди, ушбу ҳужжатлар кейинги таҳлил учун асосий база ҳисобланади.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ХРОНОЛОГИК РЎЙХАТИ

№	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати	
1.	Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида” ги Қонуни	ЎРҚ-537 (10.05.2019 й.)
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари		
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори	ПҚ-3980-сон (20.10.2018 й.)
3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Қарори	ПҚ-4290-сон (16.04.2019 й.)
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони - Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида	ПФ-6096-сон (27.10.2020 й.)
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори - Давлат-хусусий шериклик асосида ҳудудларда замонавий иссиқхона хўжалиklarини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида	ПҚ-5138-сон (07.06.2021 й.)
6.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони - 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида	ПФ-60-сон (28.01.2022 й.)
7.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори - Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	ПҚ-322-сон (14.07.2022 й.)
8.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида	ПҚ-118-сон (10.04.2023 й.)
9.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори - Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	ПҚ-316-сон (27.09.2023 й.)
10.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори - Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	ПҚ-38-сон (22.01.2024 й.)
11.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори – 2024- 2030 йилларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	ПҚ-308-сон (30.08.2024 й.)
12.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони - Энергия самарадорлигини ошириш соҳасида давлат бошқарувини	ПФ-63-сон (27.03.2025 й.)

	такомиллаштириш ва энергия сервис компаниялари хизматлари бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида	
13.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, йилдаги Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	ПҚ-307-сон (14.09.2023 й.)
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари		
14.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг - Автомобиль транспорти соҳасида давлат иштирокидаги корхоналарга хусусий секторни жалб қилиш тўғрисида қарори	ВМҚ 2-сон (02.01.2022 й.)
15.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг - Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори	ВМҚ 426-сон (02.08.2022 й.)
16.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан юзага келиши мумкин бўлган давлатнинг фискал мажбуриятларини бошқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида қарори	ВМҚ 558-сон (23.10.2023 й.)
17.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида «2024-2028 йилларда нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори,	ВМҚ 604-сон (25.09.2024 й.)
18.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан юзага келиши мумкин бўлган давлатнинг фискал мажбуриятларини бошқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Қарори	ВМҚ 558-сон (23.10.2023 й.)
19.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг - Давлат-хусусий шериклик соҳасини янада такомиллаштириш ҳамда комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ва у билан тасдиқланган Низомлар	ВМҚ 720-сон (30.10.2024 й.)

1.3. Ўрганиш методологияси

Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) соҳасини таҳлил қилишда қуйидаги босқичлар амалга оширилди:

- **Қонунчилик таҳлили** – Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун (ЎРҚ-537) ва унга боғлиқ меъёрий ҳужжатлар ўрганилди. Уларнинг амалиётдаги қўлланилиши таҳлил қилинди.
- **Таққослаш усули** – Ўзбекистон қонунчилиги халқаро стандартлар (OECD, UNCITRAL, World Bank PPP Framework) билан солиштирилди. Нормалардаги камчиликлар ва етишмаётган жиҳатлар аниқланди.
- **Очиқлик таҳлили** – амалдаги қонунчиликда очиқ эълон қилиниши шарт бўлган ҳужжатлар рўйхати текширилди ва халқаро тажриба билан таққосланди.
- **Ҳуқуқий чек-лист ишланиши** – ДХШ объектини баҳолашда хавф ва рискларни олдиндан аниқлаш учун чек-лист ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатилди.

- **Коррупция ва манфаатлар тўқнашуви таҳлили** – амалдаги механизмлар ўрганилиб, халқаро антикоррупция стандартлари билан солиштирилди.
- **Институционал таҳлил** – Низомлар ва меъёрий ҳужжатларнинг тизимлилиги баҳоланди, парчаланганлик ва уйғунлик муаммолари аниқланди.

Ўрганиш давомида қуйидаги хавфлар, тўлдирилиши керак бўлган бўшлиқлар аниқланди:

1. Қонун нормаларида айрим тушунчалар ва механизмлар аниқ белгиланмаган. Бу амалиётда турли талқинларга олиб келиши мумкин.
2. Тендер ҳужжатлари, шартнома матнлари ва молиявий ҳисоботларни эълон қилиш мажбурияти тўлиқ белгиланмаган. Бу шаффофликка салбий таъсир кўрсатади.
3. ДХШ шартномаларда инвесторлар учун кафолатлар ва барқарорлик механизмларини яна қайта кўриб чиқиш лозим.
4. Манфаатлар тўқнашуви ва шаффофлик етишмаслиги коррупция учун имконият яратади. Бунинг учун аниқ камчиликлар ҳам аниқланган.

Хулоса қилиб айтганда, ДХШ тўғрисидаги Қонунчилик ҳужжатлари соҳадаги асосий ҳуқуқий базани белгилайди, аммо унинг нормаларига аниқлик ва халқаро стандартларга уйғунлаштириш зарур. Шунинг учун очиқлик ва ҳисобдорлик механизмлари етарли даражада таъминланмаган. Агарда халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш орқали шартномаларнинг барқарорлиги ва инвесторлар ишончи ошади.

2. ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР НОРМАТИВ ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Фойдаланилган халқаро норматив стандартлар

Ўрганишларда қуйидаги халқаро талаблардан фойдаланилди:

1. **OECD Principles for Public Governance of Public-Private Partnerships**
Қабул қилинган: 5 апрель 2012 (OECD Кенгаши тавсияси)
2. **UNCITRAL Model Legislative Provisions on Public-Private Partnerships**
Қабул қилинган: 19 июль 2019 (UNCITRAL 52-сессияси, Вена)
3. **World Bank PPP Reference Guide (PPP Framework)**
Биринчи нашр: 2015 (халқаро молия институтлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган)
Янгиланган нашр: 27 апрель 2017 (PPP Knowledge Lab орқали)
4. **World Bank Guidance on PPP Legal Frameworks**
Чоп этилган: 16 июнь 2022 (хукуматлар учун ҳуқуқий йўриқнома)
5. **United Nations Convention Against Corruption (UNCAC)**
Қабул қилинган: 31 октябрь 2003 (БМТ Бош Ассамблеяси), кучга кирган: 14 декабрь 2005
6. **SOURCE International PPP Platform.**
Халқаро платформанинг кенг жорий этилиши ва рақамли интеграцияси: 5 август 2025 (Сенегалда расмий ишга туширилган)

Бу ҳужжатлар ДХШ соҳасидаги халқаро энг муҳим ҳуқуқий ва институционал асосларни белгилайди. Улар орқали:

- **OECD** – шаффофлик ва бошқарув принципларини,
- **UNCITRAL** – қонунчилик моделини,
- **World Bank** – ҳуқуқий ва институционал рамкани,
- **UNCAC** – коррупцияга қарши халқаро механизмларни,
- **SOURCE** – рақамли платформалар орқали амалиётни стандартлаштиришни таъминлайди.

Айнан ўрганишлар давомида ушбу ҳужжатлар асос сифатида олинди.

2.2. Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон қонуни таҳлили

Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сон Қонунини таҳлил қилган ҳолда қуйидагиларни келтириш мумкин:

Биринчи навбатда ушбу Қонуннинг устуворликларини келтириб ўтиш лозим:

- **Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шерикликни тартибга солиш бўлиб**, ушбу Қонун концессиялар соҳасидаги муносабатларни ҳам тартибга солади. Кўплаб давлатларда ушбу ҳолат алоҳида Қонунлар билан тартибга солади ҳамда ўзига хос бюрократия ва қийинчиликларни юзага келтиради. Қонун давлат-хусусий шерикликни инвестиция муҳитини яхшилаш воситаси сифатида катта аҳамиятга эга (Модда 1).
- **Тенг ҳуқуқлилик:** қонунда хусусий шерик сифатида нафақат Ўзбекистон фуқаролари ёки резидент компаниялар балки, норезидентлар учун тенг ҳуқуқий майдон яратилган, бу халқаро инвесторлар учун ҳуқуқий аниқликни таъминлайди. Хорижий инвесторлар тендерларда маҳаллий шериклар билан тенг ҳуқуқда иштирок этади. Бу билан эса **OECD** ва **EBRD** тавсияларига уйғун, чунки тенглик ва транспарентлик принципи таъминланган.
- **Ҳамкорликнинг аниқ тамойиллари:** Ушбу қонунда томонларнинг ҳамкорлиги аниқ тамойиллар билан қамраб олинган ва ҳатто хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва ҳолислик принципи ҳам келтирилган бўлиб, хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва ҳолислик танловга кўра саралаб олиш механизмларидан фойдаланиш, давлат-хусусий шериклик қоидалари ҳамда тартиб-таомилларини амалга оширишдаги ва ҳолис ҳамда асослантирилган мезонлар асосида мақбул вариант фойдасига қарорлар қабул қилишдаги ҳалоллик ва шаффофлик ҳисобига таъминланади (7-модда).
- **Фуқаролик кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан алоқаси:** “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун мустақил норматив ҳужжат бўлса-да, унинг қатор моддалари амалда Ўзбекистон Республикасининг **Фуқаролик кодекси** (кейинги шринларда **ФК**) ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” Қонуни билан билан узвий боғланади.

Бу боғланиш шартнома ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи ва мажбуриятлар ҳуқуқи соҳаларида яққол кўринади. Масалан шартнома муносабатлари умумий тартиба Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. ДХШ шартномалари тузилиши, амал қилиши ва бекор қилиниши тартиби

каби қоидаларни ўз ичига олсада, ушбу қонун ҳар томонлама Фуқаролик кодекси умумий шартнома қоидаларига мос ва шунга мувофиқ қўлланилади. Масалан, шартнома тузилишида тарафлар ихтиёри ва эркинлиги, шартнома бекор қилиниши, муддатлар, тарафлар келишуви, шартларни бузиш, томонларнинг жавобгарлиги ҳолатлари Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади ва Қонун ҳам шунга мувофиқ ҳисобланади.

Шунингдек, Фуқаролик кодексида мулк ҳуқуқи нормалари қўлланилади. Масалан:

- Давлат мулкни хусусий шерикка вақтинча бериш - ижара шартномаси қоидаларига мос.
 - Объектдан фойдаланиш ҳуқуқи - сервитут ва мулкдан фойдаланиш нормаларига уйғун.
- ДХШда мулк ҳуқуқи кафолатлари ФКдаги умумий мулк ҳуқуқи нормалари билан таъминланади.
- ФКнинг мажбуриятлар тўғрисидаги умумий нормалари, шартномани бузганлик учун компенсация, мажбуриятни бажармасликда зарарни қоплаш ва ёки халқаро инвесторлар учун жавобгарлик механизмлари ФКдаги умумий қоидаларга ҳамда шартномавий муносабат бўлганлиги учун “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” Қонуни билан ҳам тартибга солинади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги асосий хулосаларни келтириш мумкин:

1. Қонун шаффофлик ва ҳисобдорликнинг асосий принципларини белгилайди, аммо деталлаштириш ва халқаро стандартларга уйғунлаштириш зарур.
2. Институционал роллар аниқ белгиланган, лекин хусусий шерик ташаббускор сифатида иштирок этиши мумкинлиги амалиётда тўлиқ очиқланмаган.
3. Тендер натижаларини эълон қилиш, шартнома иловаларини очиқлаш, молиявий кафолатларнинг иқтисодий асосини кўрсатиш каби талаблар етарли эмас.
4. Коррупцияга қарши механизмлар мавжуд, лекин манфаатлар тўқнашуви декларацияси ва мустақил аудит каби халқаро талаблар киритилмаган.

Этап	Миллий нормалар (ЎРҚ-537)	Нима таъминлайди	Муаммо	Институциялар (ташаббускор, келишувчи, танловчи, назоратчи, ошкор этувчи)	Халқаро стандартлар (OECD, UNCITRAL, World Bank, UNCAC)	Қўшимча киритиш лозим
Ташаббус тайёргарлик	Лойиҳа ташаббуси давлат органлари томонидан киритилади, асосланиш талаб этилади	Лойиҳа ташаббуси ва асосланиши расмийлаштирилади	Ижтимоий муҳокама ва очик эълон қилиш талаблари йўқ	Ташаббускор – давлат органи ёки хусусий шерик; Келишувчи – вазирликлар	OECD – Stakeholder engagement, World Bank PPP Guide	Жамоатчилик муҳокамаси ва очик порталларда эълон қилиш
Танлов ва конкурс жараёнлари	Танлов мезонлари ва комиссия иши белгиланган	Танлов жараёни ҳуқуқий асосга эга	Баённомалар ва баҳолаш натижаларини очик эълон қилиш йўқ	Танловчи – комиссия; Келишувчи – ҳукумат; Ошкор этувчи – тендер органи	UNCITRAL Model Law – Transparent procurement	Тендер протоколлари ва баҳолаш натижаларини эълон қилиш
Шартнома тузиш	Минимал талаблар белгиланган	Шартнома матни ҳуқуқий асосга эга	Қўшимча шартлар ва иловалар очикланмайди	Келишувчи – давлат органи; Ташаббускор – хусусий шерик; Ошкор этувчи – масъул орган	World Bank PPP Framework – Disclosure of contracts	Шартнома матни, иловалар ва асосий шартларни очик эълон қилиш
Молиялаштириш, кафолат ва имтиёзлар	Давлат кафолатлари назарда тутилган	Инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар мавжуд	Лимитлар ва иқтисодий асосланиш очикланмаган	Келишувчи – Молия вазирлиги; Назоратчи – Ҳисоб палатаси	OECD – Fiscal transparency, World Bank PPP Toolkit	Барча кафолат ва имтиёзларнинг иқтисодий асосини очик эълон қилиш
Ижро, мониторинг ва	Ижро ҳисоботлари назарда тутилган	Давлат органлари назорати мавжуд	Қўшимча келишувлар ва	Назоратчи – давлат органлари;	OECD – Accountability principles	Барча ўзгаришлар ва қўшимча

шартнома ўзгариши			ўзгаришлар очикланмайди	Ошкор этувчи – масъул орган		келишувларни эълон қилиш
Маълумот ошкор этиш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш	Маълумот ошкор этиш принципи бор	Маълумот ошкор этиш ҳуқуқий асосга эга	Механизмлар ва муддатлар аниқ белгиланмаган	Ошкор этувчи – давлат органлари; Жамоатчилик иштирокини таъминловчи – маҳаллий кенгашлар	OECD – Public disclosure, UNCITRAL – Transparency	Жамоатчилик иштирокини таъминловчи механизмлар ва муддатларни аниқлаш
Назорат, аудит ва антикоррупция чоралари	Коррупцияга қарши принциплар назарда тутилган	Коррупцияга қарши ҳуқуқий кафолатлар мавжуд	Манфаатлар тўқнашуви декларацияси йўқ	Назоратчи – мустақил аудит, парламент; Ошкор этувчи – давлат органлари	UNCAC – Conflict of interest, Independent audit	Мажбурий декларациялар, мустақил аудит ва парламент назорати

3. ЖАМОАТЧИЛИК МОНИТОРИНГИ

3.1. Амалдаги қонунчилик бўйича очиқ эълон қилиниши шарт бўлган ҳужжатлар

№	ОЧИҚ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ШАРТ БЎЛГАН ХУЖЖАТЛАР:
1.	Тендер эълонлари – давлат харидлари порталида жойлаштирилиши шарт.
2.	Тендер ғолиби ҳақида маълумот – очиқ эълон қилинади.
3.	Шартнома суммаси ва асосий маълумотлар – портал орқали эълон қилинади.
4.	ДХШ лойиҳаларига оид эълонлар – тендер (тендер) ҳақидаги маълумотлар очиқ эълон қилиниши шарт.
5.	Тендер натижалари – ғолиб ҳақидаги маълумотлар жамоатчиликка эълон қилинади.
6.	Шартнома тузилганлиги ҳақида маълумот – давлат органлари расмий порталларида эълон қилинади.
7.	ДХШ лойиҳалари рўйхати – расмий портал орқали эълон қилинади.
8.	Тендер жараёни ҳақида маълумотлар – очиқ тарзда жойлаштирилиши шарт.
9.	Тендер ғолиби ҳақида маълумотлар – жамоатчиликка эълон қилинади.
10.	Электрон тартиб - барча тендерлар электрон шаклда ўтказилиши ва натижалари портал орқали эълон қилиниши шарт.
11.	Энг яхши таклифни танлаш - Энг яхши таклифни танлаш ва ғолибни эълон қилиш мажбурий.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси тасдиқланган тақдирда, потенциал давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини ҳамда бошқа талабгорларга давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилишидан манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифини, тендер натижалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг порталида (<https://gov.uz/oz>) масалан соғликни сақлаш соҳасида шу йўналишдаги ваколатли орган (<https://gov.uz/uz/ssv/sections/ob-ektlar-dhsh>) ва ваколатли органлирнинг сайтларида (<https://gov.uz/oz/imv>) эълон қилиб борилади.

3.2.Халқаро стандартлар ва юқоридаги таҳлиллар асосида очик эълон қилиниши шарт бўлган ҳужжатлар

Халқаро тажриба (OCDS – Open Contracting Data Standard, CoST – Construction Sector Transparency Initiative, UNCITRAL PPP provisions, World Bank PPP Guidelines, OECD Principles) асосан очик эълон қилиниши шарт бўлган ҳужжатлар рўйхати куйидагича:

Категория	Ҳужжатлар	Асосий мазмун	Шаффофлик ва ҳисобдорлик аҳамияти
1. Тендер жараёни ҳужжатлари	- Тендер эълонлари - Тендер ҳужжатлари - Тендерда иштирок этувчи компаниялар рўйхати - Тендер натижалари - Тендер ғолиби ҳақида маълумот	Танлов жараёнидаги барча маълумотлар	Рақобатни таъминлайди, коррупция хавфини камайтиради
2. Шартнома ва келишувлар	- ДХШ шартномаси тўлиқ матни - Шартнома ўзгаришлари ва қўшимча келишувлар - Шартнома муддати ва шартлари - Шартнома бекор қилинганда компенсация тартиби	Томонлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар	Инвесторлар учун ҳуқуқий аниқлик ва барқарорликни таъминлайди
3. Молиялаштириш ва иқтисодий маълумотлар	- Лойиҳа молиялаштириш манбалари - Давлат бюджети иштирокини кўрсатувчи ҳужжатлар - Солиқ имтиёзлари ва субсидиялар ҳақида маълумотлар - Тарифлар ва ҳисоб-китоблар - Даромад тақсимооти механизмлари	Лойиҳа молиявий асослари	Давлат харажатлари ва имтиёзлар шаффофлигини таъминлайди
4. Мониторинг ва ҳисоботлар	- Лойиҳа мониторинг ҳисоботлари - Мустақил аудит ҳисоботлари - Лойиҳа натижалари ва KPI кўрсаткичлари - Жамоатчилик муҳокамаси ҳисоботлари	Лойиҳа ижроси ва натижалари	Ижро жараёнида ҳисобдорлик ва жамоатчилик назоратини таъминлайди

	- Лойиҳа ижтимоий ва экологик таъсир ҳисоботлари		
5. Жамоатчилик ва шаффофлик	- Лойиҳа рўйхати ва pipeline - Жамоатчилик фикрини инобатга олиш механизмлари - Шикоятларни ҳал қилиш механизмлари - Жамоатчилик учун йиллик ҳисоботлар	Жамоатчилик иштирокини таъминловчи ҳужжатлар	Жамоатчилик назорати ва ишончни оширади

3.3. Коррупция ва манфаатлар тўқнашуви

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (ЎРҚ-419, 03.01.2017) моддаларига асосланиб, ушбу қонунларда кўрсатилган қарши курашиш бўйича механизмлар ҳисобга олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 октябрдаги 720-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган **Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомни** таҳлил қилган ҳолда қуйидагилар аниқланди:

Қонунда ДХШда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари белгиланган, булар:

- қонунийлик,
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги,
- очиқлик ва шаффофлик,
- тизимлилик,
- давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги,
- коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги,
- жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Ушбу Қонун талабларига кўра қуйидаги ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш лозим бўлади:

№	Механизм
1.	Ташаббуслар очиқ эълон қилиниши ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш
2.	Аниқ ва шаффоф баҳолаш мезонларини қонун билан белгилаш
3.	Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш учун мажбурий декларация
4.	Шартнома матнини очиқ маълумот сифатида эълон қилиш
5.	Назоратни мустақил органга юклаш
6.	Имтиёзларни очиқ эълон қилиш ва иқтисодий асослаш
7.	Шартнома ўзгаришини шаффоф тартибда ва назорат билан амалга ошириш
8.	Жамоатчилик иштирокини мажбурий қилиш
9.	Мустақил аудит органини жорий қилиш

10.	Халқаро экспертларни жалб қилиш механизмини киритиш
11.	Электрон тендер платформасини мажбурий қилиш
12.	Давлат ва хусусий шерик ҳисоботини мажбурий қилиш
13.	Парламент назоратини қонун билан белгилаш
14.	Хусусий шерикни молиявий ва ҳуқуқий текшириш мажбурий
15.	Манфаатлар мониторингини жорий қилиш
16.	Мустақил комиссия ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш
17.	Имтиёзларни иқтисодий асос билан эълон қилиш
18.	Шартнома ўзгаришини назорат ва жамоатчилик иштирокида амалга ошириш
19.	Барча ташаббусларни очиқ маълумот сифатида эълон қилиш
20.	Натижаларни тўлиқ ва очиқ эълон қилиш

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ҳолатларни Низомда янада мустаҳкамлаш, коррупциявий ҳамда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатларни бартараф этиш бўйича чорағтадбирларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлади:

- 1. Субъектив қарорлар:** Низомда хусусий шерик ташаббусини қабул қилиш тартиби умумий белгиланган, аммо аниқ мезонлар йўқ. Бу субъектив қарорлар қабул қилинишига олиб келади. Халқаро амалиётда ташаббуслар очиқ маълумот сифатида эълон қилиниши ва барча иштирокчилар учун тенг имконият яратилиши шарт. Мезонлар йўқлиги инсайдерлик хавфини оширади.
- 2. Баҳолашнинг очиқ эмаслиги:** Тендерда баҳолаш мезонлари умумий кўрсатилган, лекин аниқ ва очиқ эмас. Бу комиссия аъзолари шахсий ёки сиёсий манфаатлар асосида қарор қабул қилишига олиб келиши мумкин. халқаро талабларига кўра, баҳолаш мезонлари аниқ ва очиқ бўлиши шарт. Субъективлик коррупция хавфини оширади.
- 3. Декларацияларнинг йўқлиги:** Низомда давлат шериги тарафдан комиссия аъзолари учун мажбурий декларация механизми назарда тутилмаган. Бу тендерда иштирок этувчи компаниялар билан шахсий алоқаларни яшириш хавфини келтиради. Халқаро амалиётда декларация ва жавобгарлик тизими мажбурий ҳисобланади. Декларация йўқлиги манфаатлар тўқнашувига олиб келади.
- 4. Шартномаларнинг ёпиқлиги:** Шартнома матни тўлиқ эълон қилинмайди. Бу яширин имтиёзлар ва коррупция хавфини оширади. OCDS талабларига кўра, шартнома матни очиқ маълумот сифатида эълон қилиниши шарт. Матнни яшириш орқали коррупцияга йўл қўйилиши мумкин.
- 5. Институционал тўқнашув:** Қонун бўйича бир давлат органи давлат шериги сифатида ҳам тендерни ташкил қилади, ҳам назорат қилади яъни ҳисоботларни қабул қилади. Бу институционал манфаатлар тўқнашувига олиб келади. Халқаро амалиётда назорат мустақил органга юкланади. Бир органнинг икки рольда бўлиши объективликни йўқотади ва коррупция хавфини оширади.
- 6. Имтиёзларнинг очиқмаслиги:** Низомда кафолатлар ва имтиёзлар тақсимооти шаффоф белгиланмаган. Бу фавқулодда имтиёзлар орқали коррупция хавфини оширади. Халқаро стандартларда кафолатлар лимити ва очиқ эълон қилиш талаб қилинади. Шаффофлик йўқлиги манфаатдор шахсларга ноқонуний имтиёз бериш хавфини оширади.
- 7. Қўшимча келишувларнинг назоратсизлиги:** Қўшимча келишувлар орқали шартнома бандлари ўзгартирилиши (айниқса муддатлар ва жавобгарлик бандлари) мумкин, лекин назорат механизми йўқ. Бу коррупция хавфини оширади. UNCITRAL талабларига кўра,

шартнома ўзгартириш шаффоф тартибда амалга оширилиши керак. Назорат йўқлиги фавқулодда имтиёзлар хавфини оширади.

8. **Жамоачилик иштирокининг йўқлиги:** Низомда жамоатчилик иштирокини таъминлаш механизми назарда тутилмаган. Бу назорат йўқолишига ва коррупция хавфига олиб келади. CoST каби механизмлар жорий қилиниши зарур. Жамоатчилик иштирокисиз тендер жараёни шаффофликдан йироқ бўлади.
9. **Мустақил аудитнинг йўқлиги:** Низомда мустақил аудит органи назарда тутилмаган. Давлат органи ўзи назорат қилса, объективлик йўқолади. Халқаро амалиётда мустақил аудит мажбурий. Аудит йўқлиги коррупция хавфини оширади ва манфаатлар тўқнашувига олиб келади.
10. **Халқаро экспертлар иштирокининг суствлиги:** Низомда халқаро экспертлар иштирокини талаб қилмайди, фақатгина маслахатчи жалб қилиниши ҳолати кўрсатилган. Бу инсайдерлик хавфини оширади ва шаффофликни камайтиради. World Bank PPP Framework талабларига кўра, йирик лойиҳаларда халқаро экспертлар иштирокини таъминлаш зарур. Халқаро иштирок йўқлиги коррупция хавфини оширади.
11. **Ягона платформанинг йўқлиги:** Низомда ягона электрон тендер платформаси назарда тутилмаган. Бу қоғоздаги жараён шаффофликни йўқотади ва коррупция хавфини оширади. Халқаро амалиётда электрон тендер платформаси мажбурий ҳисобланади.
12. **Ҳисоботларнинг суствлиги:** Низомда ижро жараёнида ҳисобот бериш мажбурияти назарда тутилмаган. Балки давлат шериги ҳам бошқа бир мустақил органга ўзи ва хусусий шерикнинг амалга оширган ишлари тўғрисида ҳисобот бериб борса мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирги ҳолатда назорат суствлашишига ва коррупция хавфига олиб келади. Халқаро амалиётда ҳисобот бериш мажбурий.
13. **Парламент назоратининг йўқлиги:** Қонунда ва Низомда парламент назорати назарда тутилмаган. Бу коррупция хавфини оширади. Халқаро амалиётда парламент назорати мажбурий ҳисобланади.
14. **Due diligence мавжуд эмаслиги:** Низомда хусусий шерик молиявий имкониятлари ҳамда Due diligence талаб қилинмайди. Низомда due diligence талаб қилинмайди. Бу компаниялар ҳақида тўлиқ текширув йўқлиги инсайдерлик хавфини оширади. Халқаро амалиётда due diligence мажбурий ҳисобланади.
15. **Комиссияларнинг мустақил эмаслиги:** Низомда баҳолаш комиссияси давлат органига тўлиқ боғлиқ. Бу ҳолатда комиссия аъзолари объектив қарор қабул қилишдан кўра, юқори органлар кўрсатмасига амал қилиши мумкин. Халқаро амалиётда тендер комиссияси мустақил ва жамоатчилик иштирокида ташкил этилиши шарт. Мустақиллик йўқлиги коррупция хавфини оширади.

3.4.Халқаро стандартларга кўра ДХШ шартномаларга қўйиладиган талаблар

№	Мавзу	Талаблар
1.	Шартнома предмети	- Шартнома предмети аниқ ва тўлиқ ёзилган бўлиши шарт. - Объектнинг ҳуқуқий мақоми ва мулкчилик шакли кўрсатилиши шарт. - Объектдан фойдаланиш мақсади ва чегаралари аниқ белгиланиши шарт. - Объектнинг техник ва иқтисодий тавсифи шартномада акс эттирилиши шарт.

		- Объектдан фойдаланишда давлат ва хусусий шерикнинг ҳуқуқлари аниқ кўрсатилиши шарт.
2.	Муддатлар	- Шартнома амал қилиш муддати аниқ кўрсатилиши шарт. - Курилиш, тайёргарлик ва эксплуатация босқичлари учун алоҳида муддатлар белгиланиши шарт. - Шартнома узайтириш тартиби ва шартлари аниқ ёзилиши шарт. - Ҳисоботлар тақдим этиш муддатлари шартномада белгиланиши шарт. - Аудит ва мониторинг ўтказиш муддатлари кўрсатилиши шарт.
3.	Молиялаштириш ва иқтисодий шартлар-	- Давлат бюджети иштирокини кўрсатувчи моддалар бўлиши шарт. - Тарифлар ҳисоб-китоби шаффоф формула асосида белгиланиши шарт. - Солиқ имтиёзлари ва субсидиялар аниқ кўрсатилиши шарт. - Даромад тақсмоти тартиби шартномада белгиланиши шарт.
4.	Рискларни тақсимлаш	- Курилишдаги кечикишлар учун жавобгарлик кўрсатилиши шарт. - Инфляция ва валюта курслари ўзгаришига мослашув механизми бўлиши шарт. - Фавқулодда ҳолатларда жавобгарлик ва компенсация тартиби белгиланиши шарт. - Лойиҳа самарадорлигига таъсир этувчи барча рисклар матрицада кўрсатилиши шарт.
5.	Жавобгарлик ва компенсация	- Хусусий шерик шартни бажармаган ҳолда жарималар белгиланиши шарт. - Шартнома бекор қилинганда компенсация тартиби кўрсатилиши шарт. - Давлат ва кредиторлар лойиҳага кириш ҳуқуқи белгиланиши шарт. - Ҳизмат сифатини таъминламаганда жавобгарлик чоралари кўрсатилиши шарт.
6.	Мониторинг ва ҳисобот-	- Лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичлари (KPI) шартномада белгиланиши шарт. - Давлат назорати ва мониторинг тартиби кўрсатилиши шарт. - Мустақил аудит ўтказиш тартиби шартномада белгиланиши шарт. - Йиллик ҳисоботлар жамоатчиликка эълон қилиниши шарт. - Шартнома ўзгаришлари ва қўшимча келишувлар очик эълон қилиниши шарт.
7.	Жамоатчилик ва ижтимоий таъсир	- Ижтимоий таъсир баҳолаш ҳисоботлари шартномада акс эттирилиши шарт. - Экологик таъсир баҳолаш ҳисоботлари шартномада кўрсатилиши шарт. - Манфаатдор томонлар иштирокини таъминлаш тартиби белгиланиши шарт.

		- Шикоятларни ҳал қилиш механизми шартномада кўрсатилиши шарт.
8.	Коррупцияга қарши моддалар	- Пора бериш ва олиш ҳолатлари шартнома бузилиши сифатида белгиланиши шарт. - Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш тартиби шартномада акс эттирилиши шарт. - Барча молиявий ҳисоботлар очик эълон қилиниши шарт. - Мустақил аудит натижаларини жамоатчиликка эълон қилиш мажбурияти шартномада кўрсатилиши шарт.
9.	Халқаро стандартларга мослик-	- Шартнома матнида шаффофлик талаблари акс эттирилиши шарт. - Шартнома халқаро арбитраж юрисдикциясига мурожаат қилиш ҳуқуқини кўрсатиши шарт. - Шартнома халқаро ҳисобот стандартларига мос бўлиши шарт. - Шартнома халқаро экологик ва ижтимоий стандартларга мос бўлиши шарт.
10.	Қўшимча талаблар-	- Шартнома матнида давлат учун ноқулай шартлар бўлмаслиги шарт. - Шартнома матнида барча ўзгаришлар ва қўшимчалар очик эълон қилиниши шарт. - Шартнома матнида жамоатчилик олдида ҳисобдорлик моддаси бўлиши шарт. - Шартнома матнида барча моддалар аниқ, тушунарли ва ноаниқликка йўл қўймасдан ёзилиши шарт.

3.5. Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) объектини текшириш учун ҳуқуқий чек-лист

I. ЛОЙИҲА ТАШАББУСИ ВА ТЕНДЕР ЖАРАЁНИ

№	Саволлар	Хавфлар
1.	Лойиҳа ташаббуси қонунга мувофиқ расмийлаштирилганми, лойиҳани баҳолаш амалга оширилганми?	Расмийлаштирилмаган ташаббус ва баҳоланмаган лойиҳа ҳуқуқий кучга эга бўлмайди, шартнома бекор қилиниши мумкин.
2.	Тендер қонун ва Низом талабларига мувофиқ ўтказилганми?	Низом талаблари бузилса, тендер натижалари ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.
3.	Тендер нечта этапда ўтказилган? Иштирокчилар сони?	Этаплар сони ва иштирокчилар етарли бўлмаса, рақобат йўқолиб, нархлар сунъий ошиши хавфи бор.
4.	Тендер комиссияси таркиби қонунга мувофиқ шакллантирилганми,	Комиссия таркиби ёки баённома қонунга мос бўлмаса, тендер қарорлари ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

	баённомалар борми, барча имзолаганми?	
5.	Тендер ҳужжатлари ва шартлари очик эълон қилинганми?	Очик эълон қилинмаса, тендер шаффофлиги бузилади ва иштирокчилар тендердан хабардор бўлмайди.
6.	Тендерда манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжуд эмасми?	Манфаатлар тўқнашуви бўлса, тендер натижалари хавф остида қолади, жиноят аломатлари пайдо бўлади ва коррупция хавфи ошиши мумкин.
7.	Тендер натижалари тўғри расмийлаштирилганми?	Натижалар расмийлаштирилмаса, шартнома тузиш жараёнида ҳуқуқий муаммо юзага келади.
8.	Тендер натижалари расмий равишда эълон қилинганми?	Эълон қилинмаса, жамоатчилик ва иштирокчилар тендер натижаларидан хабардор бўлмайди, шаффофлик принципи бузилади.

II. ШАРТНОМА ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

№	Саволлар	Хавфлар
1.	ДХШ шартномаси қонун талабларига мувофиқ тузилганми?	Қонун талабларига мос тузилмаган шартнома ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.
2.	Фуқаролик ва Жиноят кодексига мувофиқлик- Фуқаролик кодексига мувофиқ шартнома ҳуқуқий кучга эгами?	ФК талабларига мос бўлмаса, шартнома ҳуқуқий кучга эга эмас ва судда бекор қилиниши мумкин.
3.	Шартнома мазмунида давлат ва хусусий шерик мажбуриятлари аниқ кўрсатилганми?	Мажбуриятлар аниқ кўрсатилмаса, ижро жараёнида низо ва ҳуқуқий баҳслар юзага келиши мумкин.
4.	Шартнома муддати қонунга мувофиқ белгиланганми? Муддатларга амал қилинганми? Амал қилинмаган бўлса, жавобгарликка тортилганми?	Муддат бузилса ва жавобгарлик белгиланмаса, шартнома ижроси самарасиз бўлади, низолар юзага келиши осонлашади.
5.	Шартнома ўзгаришлари ва қўшимча келишувлар қонунга мувофиқ расмийлаштирилганми?	Қонунга мос расмийлаштирилмаган ўзгаришлар ҳақиқий бўлмаслиги, ҳуқуқий оқибатлари юзага келмаслиги мумкин.
6.	Шартнома муддати қонунга мувофиқ белгиланганми?	Ўзайтириш қонунга мос бўлмаса, шартнома бекор қилиниши мумкин.
7.	Шартнома муддати узайтирилганда қонун талаблари бажарилганми?	Тайёргарлик кечикса, молиявий ва техник хавфлар ортиши мумкин.
8.	Лойиҳа тайёргарлик босқичи белгиланган муддатда амалга оширилганми?	Муддат бузилиши инфратузилма самарадорлигини пасайтиради ва жавобгарликка олиб келади.
9.	Лойиҳа қурилиш ва эксплуатация босқичлари белгиланган муддатда бажарилганми?	Механизм ишламаса, молиявий барқарорлик йўқолади ва инвесторлар зарар кўради.
10.	Шартнома муддатида инфляция ва валюта курслари ўзгаришига мослашув механизми ишлаганми?	Жавобгарлик белгиланмаса, томонлар ўз мажбуриятларидан қочиши мумкин.

11.	Давлат шериги шартнома мажбуриятларини бажармаган ҳолда жавобгарликка тортиладими?	Жавобгарлик белгиланмаса, хусусий шерик мажбуриятни бажармаслиги мумкин.
12.	Хусусий шерик шартнома мажбуриятларини бажармаган ҳолда жавобгарликка тортиладими?	Компенсация тартиби йўқ бўлса, зарар қопланмайди ва судда низо кучаяди.
13.	Шартнома бузилганда компенсация тартиби аниқ белгиланганми?	Чора кўрилмаса, коррупция хавфи ортиб, тендер жараёни ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.
14.	Жиноят кодексига мувофиқ коррупция ҳолати аниқланса жавобгарлик чоралари кўрилганми?	Жавобгарлик белгиланмаса, зарар қопланмайди ва шартнома самарасиз бўлади.
15.	Фуқаролик кодексига мувофиқ шартнома бузилиши учун моддий жавобгарлик белгиланганми?	Компенсация тартиби йўқ бўлса, тарафлар молиявий зарарни қопламайди.
16.	Шартнома бекор қилинганда компенсация тартиби кўрсатилганми?	Ҳисобот тақдим этилмаса, шаффофлик бузилади ва назорат йўқолади.
17.	Шартнома ижроси бўйича ҳисоботлар белгиланган тартибда тақдим этилганми?	Фирибгарлик бўлса, шартнома ҳақиқий эмас деб топилиши ва жиноий жавобгарлик юзага келиши мумкин.
18.	Шартнома ижросида алдаш, фирибгарлик ҳолатлари мавжуд эмасми?	Коррупция ҳолати бўлса, шартнома бекор қилиниши ва жиноий жавобгарлик юзага келиши мумкин.
19.	Жиноят кодексига мувофиқ коррупция ҳолатлари мавжуд эмасми?	Манфаатлар тўқнашуви бўлса, тендер жараёни ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.
20.	Жиноят кодексига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжуд эмасми?	Талон-торож ҳолати бўлса, жиноий жавобгарлик ва молиявий зарар юзага келади.
21.	Жиноят кодексига мувофиқ давлат маблағларини талон-торож қилиш ҳолати мавжуд эмасми?	Суиистеъмол ҳолати бўлса, шартнома бекор қилиниши ва жиноий жавобгарлик юзага келиши мумкин.

III. МОЛИЯЛАШТИРИШ

№	Саволлар	Хавфлар
1.	Лойиҳа молиялаштириш манбалари қонунга мувофиқ белгиланганми?	Манбалар қонунга мос белгиланмаса, молиялаштириш ноқонуний деб топилиши мумкин.
2.	Давлат бюджети иштирокини қонунга мувофиқ расмийлаштирилганми?	Расмийлаштирилмаган бюджет иштирокидан давлат маблағлари мақсадсиз сарфланиши хавфи бор.
3.	Солиқ имтиёзлари ва субсидиялар қонунга мувофиқ берилганми?	Ноқонуний имтиёзлар коррупция ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин.
4.	Тарифлар ҳисоб-китоби шаффоф ва қонунга мувофиқ амалга оширилганми?	Шаффоф ҳисоб-китоб йўқ бўлса, тарифлар сунъий оширилиши хавфи бор.

5.	Хусусий шерик маблағлари қонунга мувофиқ сарфланганми?	Ноконуний сарфланиш ҳолати молиявий жавобгарликка олиб келиши мумкин.
6.	Давлат кафолатлари қонунга мувофиқ расмийлаштирилганми?	Қонунга мос бўлмаган кафолатлар давлатнинг молиявий хавфини оширади.
7.	Лойиҳа мониторинги қонунга мувофиқ амалга оширилганми, ҳисоботлар қабул қилинганми? Қабул қилинган ҳисоботлар амалда бажарилган ишларга мос келадими?	Мос келмаган ҳисоботлар фирибгарлик, ўзлаштириши, талон-тарож қилиш ва бошқа молиявий жавобгарликка олиб келиши мумкин.
8.	Давлат назорати белгиланган тартибда амалга оширилганми?	Назорат амалга оширилмаса, маблағлар мақсадсиз сарфланиши хавфи бор.
9.	Хусусий шерик ҳисоботлари қонунга мувофиқ тақдим этилганми?	Ҳисобот тақдим этилмаса, шаффофлик ва назорат бузилади
10.	Давлат бюджети маблағлари мақсадли сарфланганми?	Мақсадсиз сарфланса, давлат маблағлари талон-торож қилиниши хавфи бор.
11.	Хусусий шерик маблағлари қонунга мувофиқ сарфланганми?	Ноконуний сарфланиш хусусий шерикка нисбатан жавобгарликка олиб келиши мумкин.
12.	Солиқ имтиёзлари ва субсидиялар қонунга мувофиқ берилганми?	Ноконуний берилган имтиёзлар коррупция хавфини оширади.
13.	Лойиҳа ҳисоботлари белгиланган муддатда тақдим этилганми?	Муддат бузилса, назорат ва мониторинг самарасиз бўлади
14.	Хусусий шерик ҳисоботлари белгиланган муддатда тақдим этилганми?	Муддат бузилса, шартнома ижроси шаффофлиги йўқолади

3.6.«SOURCE» халқаро платформаси

SOURCE (Sustainable Infrastructure Project Preparation Tool) — жаҳон миқёсида ДХШ ва инфратузилма лойиҳаларини тайёрлашда шаффофлик, ҳисобдорлик ва халқаро стандартларга уйғунликни таъминлайдиган методологик платформа. Унинг асосий вазифаси — лойиҳаларни концепциядан амалга оширишгача босқичма-босқич ҳужжатлаштириш ва баҳолаш ҳисобланади. Платформа <https://public.sif-source.org/source/>

Ҳукукий асослар:

1. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг УП-16-сонли Фармони (30.01.2025 йил):** 2025 йил ноябрга қадар қиймати 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлган янги ДХШ (ГЧП) лойиҳаларини «Source» платформасига киритиш орқали уларнинг «яшил компонентлар» ва барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқлигини баҳолаш амалиёти жорий этилиши белгиланди.
2. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ДХШ соҳасини янада такомиллаштириш ва комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори:** Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Барқарор инфратузилма ташкилоти (SIF) билан ҳамкорликда «Source» платформасидаги ДХШ лойиҳаларининг жозибадорлигини жаҳон стандартларига мувофиқ ошириш чораларини кўриш топширилди.

3. **Идоралар мажбуриятлари:** Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органларига қиймати 10 миллион АҚШ долларидадан ортиқ бўлган ДХШ лойиҳалари бўйича концепциялар, тендер ҳужжатлари ва келишув шартларини «Source» платформасига киритиш вазифаси юклатилди.

Миллий қонунчилик билан уйғунлаштириш

SOURCE талабларини жорий этиш миллий ДХШ тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга хизмат қилади. SOURCE методологик ва техник стандартларни белгиласа, ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом ҳуқуқий ва ташкилий асосни таъминлайди. Бу синергия натижасида халқаро инвесторлар учун шаффоф, ҳисобдор ва ишончли муҳит яратилади.

Тартибга солиш ва халқаро институтлар

SOURCE платформаси қуйидаги халқаро ташкилотлар томонидан тартибга солинади ва қўллаб-қувватланади:

- **Кўп томонлама ривожланиш банклари (MDBs):** Жаҳон банки, ЕБРР (EBRD), Осиё тараққиёт банки (ADB) ва бошқа молиявий институтлар платформани бошқариш ва молиялаштиришда иштирок этади.
- **OECD ва UNCITRAL стандартлари:** SOURCE лойиҳаларни тайёрлашда тенглик, шаффофлик ва шартнома ҳуқуқи талабларига мувофиқдир.
- **БМТ ташаббуслари:** SOURCE расман БМТ инфратузилма ташаббуслари доирасида ишлайди ва давлатлар учун ягона методологик база сифатида қабул қилинган.

SOURCE платформаси қуйидаги халқаро ҳужжатлар ва институтлар билан тартибга солинади:

- Multilateral Development Banks (MDBs) – Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (EBRD), Осиё тараққиёт банки (ADB) ва бошқа молия институтлари платформани бошқариш ва молиялаштиришда иштирок этади.
- OECD ва UNCITRAL стандартлари – SOURCE лойиҳаларни тайёрлашда тенглик, шаффофлик ва шартнома ҳуқуқи талабларига уйғун.
- UN серверлари ва халқаро ҳуқуқий асослар – SOURCE расмий равишда БМТ инфратузилма ташаббуслари доирасида ишлайди ва давлатлар учун ягона методологик асос сифатида қабул қилинган.

SOURCE талабларида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- Лойиҳа тайёргарлиги: концепция, техник-иқтисодий асос ва молиялаштириш режаси босқичма-босқич ҳужжатлаштирилади.
- Очиқлик ва ҳисобдорлик: маълумотлар жамоатчиликка очиқ тақдим этилади.
- Мониторинг ва баҳолаш: индикаторлар ва KPI асосида самарадорлик баҳоланади.
- Халқаро уйғунлик: OECD, UNCITRAL ва MDB талабларига мослиги ўрганилади.

SOURCE платформасини миллий қонунчиликка интеграция қилиш Ўзбекистондаги ДХШ (ГЧП) лойиҳаларини халқаро стандартларга тўлиқ мослаштириш имконини беради. Бу эса йирик хорижий капитални жалб этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

4. НОРМАТИВ-ХУКУКИЙ ХУЖЖАТЛАРГА КИРИТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН БЎШЛИҚЛАР

4.1. Ўзбекистон Республикаси “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги ЎРҚ-537-сонли Қонунчилигидаги бўшлиқлар

Таҳлил давомида хусусий шерикнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўрганиб чиқилди, бунда хусусий шерикнинг ҳуқуқлари жумласига қуйидагилар кўрсатилмаганлиги маълум бўлди:

1. **Хусусий шерикни валютавий хавфлар ва инфляциядан ҳимоя қилиш механизми.** Узоқ муддатли шартномаларда инфляция ва валютанинг ўзгаришига мослашиш учун ҳуқуқий инструмент мавжуд эмас (34-модда). Масалан, UNCITRAL’нинг «Хусусий маблағлар ҳисобига инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қонунчилик қўлланмаси» (2000)да 5-банд «Лойиҳа хавфлари» бўлимида суғурта имкониятлари назарда тутилган. Жаҳон банкининг ДХШ бўйича қўлланмасига кўра, давлатлар валютавий ва инфляция хавфларини камайтириш чораларини кўриши лозим. Амалдаги Қонуннинг 38-моддасига кўра, товар (иш, хизмат) нархларини хорижий валютага боғлаш фақат Президент қарорлари асосида мумкин, бу эса жуда юкори даражадаги инстанция иштирокини талаб қилади. Ҳиндистон ва Сингапур қонунчилигида хусусий шерикка иқтисодий шароитлар кескин ўзгарганда тарифларни қайта кўриб чиқиш ҳуқуқи берилади.
2. **Хусусий шерикнинг шартномадан чиқиш тартиби (exit strategy).** Аниқ тартиб белгиланмаган (29-модда). Қонун умумий қонунчиликка ишора қилади (томонлар келишуви ёки суд қарори). Бир томонлама афзалликлар ёки тушунмовчиликларни олдини олиш учун қонунга аниқ ҳолатлар ва шартлар киритиш мақсадга мувофиқ.
3. **Маълумотларни ошкор қилиш мажбурияти йўқ.** Тендер натижалари ва шартномалар матнларини (айниқса ижтимоий объектлар бўйича) тўлиқ ва очиқ эълон қилиш мажбурияти кўрсатилмаган.
4. **Тендер комиссияси таркиби.** 24-моддада мустақил экспертлар ва жамоат вакиллари иштирокини назарда тутилмаган. Қонунга кўра, комиссияни давлат шериғи ўзи шакллантиради ва унда давлат вакили раислик қилади. Холис баҳолашни таъминлаш учун мустақил экспертлар, жамоат вакиллари ёки парламент (махаллий Кенгаш) депутатлари киритилиши зарур.
5. **Атроф-муҳит ва жамиятга таъсирни баҳолаш (ESIA).** 17-моддага кўра, лойиҳани амалга оширишдан воз кечиш асоси иқтисодий мақсадга мувофиқ эмаслиғи ёки ижтимоий эҳтиёж йўқлиғи ҳисобланади. Бироқ 22-моддада экологик ва ижтимоий таъсирни баҳолаш талаблари йўқ. Республикадаги экологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда, йирик ДХШ объектлари учун тендер ҳужжатларига экологик хулоса киритилиши мақсадга мувофиқ.
6. **Лойиҳа маълумотларининг шаффофлиғи.** Тендер натижалари, шартнома матни, тарифлар ҳақидаги маълумотларни очиқ эълон қилиш мажбурияти аниқ белгиланмаган. Ягона рақамли платформа яратиш масаласини кўриб чиқиш зарур. Ҳозирда ваколатли органлар расмий сайтларда қисқа статистика билан чекланади (20-модда).
7. **Давлат тендериди иштирок этувчи даъвогарнинг добродорядочности критерийлари.** 23-моддада иқтисодий жиноятлар учун судланмаганлик, ДХШ

- лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш тажрибаси, коррупция ёки солиқдан қочиш учун жавобгарликка тортилмаганлик каби талаблар назарда тутилмаган. «Хукукий лаёқат» умумий категория бўлиб, ушбу махсус талабларни қамраб олмайди.
8. **Давлат назоратида дисбаланс.** Томонлар тенглиги принципи бузилган: давлат шериги даъвогарни танлайди, тендер ўтказди ва ҳисоботни қабул қилади. Хусусий шерикнинг мустақил ҳисобот ҳукуқи чекланган.
 9. **Жамоатчилик мониторинги механизмлари йўқ.** Мониторинг фақат ваколатли орган томонидан амалга оширилади. 36 ва 37-моддаларда парламент ёки жамоатчилик вакиллари иштирокини назарда тутилмаган. 16-модда декларатив характерга эга.
 10. **Очиқ муҳокамалар регламенти йўқ.** Тендерларда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш тартиби белгиланмаган — фақат расмий сайтда эълон қилиш кўзда тутилган.
 11. **Халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш (CoST, OCDS).** Халқаро талаблар устуворлигини кенгайтириш зарур. 2-модда халқаро шартномалар устуворлигини тан олса-да, тендер ва контрактлар шаффофлигини таъминлаш учун CoST ва OCDS стандартларини жорий этиш таклиф қилинади.
 12. **МФИ билан ҳамкорликда ҳуқуқларни ҳимоя қилиш механизмлари.** 34-моддада хусусий шерикнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартиби ва муддатлари кўрсатилмаган.
 13. **4-моддада шаффофлик принциплари йўқ.** Асосий принципларда очиклик ва жамоатчилик назорати белгиланмаган.
 14. **Лойиҳа циклининг яширинлиги.** CoST талабларига кўра, тендердан шартнома тугашигача барча босқичлар очик эълон қилиниши лозим. Миллий қонунчиликда бу назарда тутилмаган.
 15. **Мониторинг маълумотларининг ёпиқлиги.** CoST стандарти инфратузилма лойиҳалари бўйича ишлар ва молиявий харажатлар маълумотларини эълон қилишни талаб қилади, амалда бу йўқ.
 16. **Жамоатчилик муҳокамаси мажбурияти йўқ.** CoST талабида жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш ва очик муҳокамалар ўтказиш мажбурияти белгиланган, лекин қонунга киритилмаган.
 17. **Таъсир ҳисоботларининг ёпиқлиги.** CoST талабида ҳар бир лойиҳа бўйича ижтимоий ва экологик таъсир ҳисоботлари эълон қилиниши лозим, 22-моддада бу акс этмаган.
 18. **Контракт маълумотлари формати.** OCDS талабида тендер натижалари, шартнома матнлари ва молиявий маълумотлар очик форматда эълон қилиниши лозим. Амалда молиявий ҳисоб-китоблар ва тарифлар ёпиқ.
 19. **Шартнома ўзгаришларининг шаффоф эмаслиги.** OCDS талабига кўра, ҳар бир қўшимча келишув ва шартнома ўзгариши эълон қилиниши лозим. Амалда томонлар чексиз миқдорда келишувлар имзолаши мумкин, бу коррупция хавфини оширади.
 20. **KPI эълон қилинмаган.** OCDS талабида лойиҳа самарадорлик кўрсаткичлари ва амалий натижалар очик эълон қилиниши лозим, қонунга киритилмаган.
 21. **Мустақил аудит йўқ.** Қонун лойиҳа мониторинги доирасида мустақил аудитни назарда тутмайди.
 22. **Халқаро арбитраж ва хавфларни тақсимлаш чекланган (UNCITRAL, World Bank).** Хусусий шерикнинг халқаро арбитражга мурожаат қилиш ҳукуқи чекланган. Давлат ва хусусий шерик ўртасида хавфларни тақсимлаш механизми аниқ белгиланмаган, Жаҳон банкининг ДХШ бўйича қўлланмасига кўра, барча хавф ва қафолатлар очик ва шаффоф тақсимланиши лозим.

4.2. Бартараф этилиши керак бўлган бўшлиқлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №720-сонли «Давлат-хусусий шериклик соҳасини янада такомиллаштириш ва комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда унда тасдиқланган Низомларда қуйидаги ҳуқуқий ва институционал камчиликлар кузатилади:

1. **Институционал ваколатларда дисбаланс.** Давлат шериги ваколатларининг ортиқча марказлашуви хусусий шерик билан тенглик принципи қонун даражасида мустаҳкамланмаган ҳолда амалга оширилмоқда. Қбул қилинадиган қарорларни мустақил баҳолаш механизми назарда тутилмаган.
2. **Методологик камчиликлар.** Лойиҳаларни тайёрлаш ва техник экспертиза ўтказишнинг аниқ регламентланган методологияси мавжуд эмас.
3. **Рақамлаштириш ва мустақил назоратнинг йўқлиги.** Лойиҳа ташаббусларини қабул қилиш учун ягона рақамли платформа (Digital Platform) ҳамда ДХШ жараёнлари устидан назоратни амалга оширувчи мустақил орган ташкил этилмаган.
4. **Лойиҳалардан воз кечишда шаффофликнинг йўқлиги.** Лойиҳани амалга оширишдан воз кечиш сабаблари аниқ деталлаштирилмаган ва очиқ эълон қилинмайди. «Ижтимоий эҳтиёж йўқ» ёки «иқтисодий мақсадга мувофиқ эмас» каби ноаниқ асослар хусусий шерик ташаббусларининг субъектив рад этилишига олиб келиши мумкин (17-модда).
5. **Шартномалар мазмуни ва амалга оширилиши.** ДХШ шартномасига ўзгартиш киритиш тартиби ва унинг шартларини қайта кўриб чиқиш жараёни аниқ белгиланмаган.
6. **KPI тизимининг йўқлиги.** Норматив ҳужжатларда лойиҳаларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш учун асосий самарадорлик кўрсаткичлари (Key Performance Indicators — KPI) тизими мустаҳкамланмаган.
7. **Форс-мажор ҳолатлари.** Шартномаларда форс-мажор ҳолатларига оид бўлимлар аниқ ва батафсил регламентга эга эмас.
8. **Маълумотларни янгилаш ва ҳисобот бериш.** Лойиҳа маълумотлари мунтазам янгиланмайди. Хусусий шерикнинг ҳар олти ойда ҳисобот тақдим этиш мажбурияти белгиланган бўлса-да, ушбу маълумотларни жамоатчиликка ошкор қилиш ва эълон қилиш механизмлари назарда тутилмаган.

4.3. Халқаро стандартлар асосида киритилиши лозим бўлган нормалар

Халқаро стандартлар асосида киритилиши лозим бўлган нормалар ҳам мавжуд бўлиб, уларни қуйидаги ҳолатда қисқа муддатли ва узоқ муддатли тартибда шартли равишда бўлиш мумкин:

№	Қисқа муддатли	Узоқ муддатли
1.	Ахборот очиклиги бўлими	- Молиялаштириш усуллари бўлими
2.	OCDS талабига кўра тендер натижалари, шартнома матнлари, тарифлар ва KPI кўрсаткичлари очик форматда эълон қилиниши	- Субсидия, солиқ имтиёзлари ва кредит линиялари механизмларини аниқлаштириш

3.	Хусусий шерик кафолатлари моддасини янги таҳрирда келтириш	- CoST талабига кўра қурилиш ва инфратузилма лойиҳаларида иш жараёни ва молиявий сарфлар жамоатчиликка эълон қилиниши
4.	Валюта хатарлари, инфляциядан ҳимоя, инвестициядан чиқиш механизми ва компенсация тартиби	- Халқаро ҳамкорлик моддаси
5.	Низоларни ҳал қилиш моддаси	- Тендер ва унинг натижаларини назорат қилишда жамоатчилик (парламент) иштирокини таъминлаш моддаси
6.	UNCITRAL талабига кўра халқаро арбитраж юрисдикциясига мурожаат қилиш ҳукуқи	- CoST талабига кўра лойиҳа муҳокамаларида жамоатчилик фикрини инобатга олиш
7.	Рискларни тақсимлаш моддаси	- Ижтимоий ва экологик таъсир моддаси
8.	Мониторинг ва ҳисобот моддаси	- Лойиҳа ижтимоий ва экологик таъсирини баҳолаш ва ҳисобот бериш мажбурияти
9.	OCDS талабига кўра ҳар бир шартнома ўзгариши ва қўшимча келишувлар очик маълумот сифатида эълон қилиниши	

4.4. ДХШ соҳасидаги таклифлар учта йирик гуруҳга бўлиш мумкин

I. ИНСТИТУЦИОНАЛ ТАКЛИФЛАР

1. ДХШ лойиҳаларида иштирок этувчи компаниялар учун аккредитация тизимини жорий этиш.
2. Давлат хизматчилари ва хусусий шериклар учун мунтазам ўқув дастурлари ташкил этиш.
3. Тендерни баҳолашга масъул шахслар учун сертификатлаштириш тизимини жорий этиш.
4. Лойиҳаларда давлатнинг акциядор сифатида иштирокини қонунга киритиш.
5. Барча шартномаларни ягона реестрда сақлаш ва эълон қилиш.
6. Барча лойиҳалар учун жамоатчилик ҳисобот портали яратиш, парламент ва ННТлар иштирокида назорат қўмиталари ташкил этиш.
7. Парламент назоратини қонун даражасида мустаҳкамлаш.
8. Хусусий шериклар учун due diligence текширувини мажбурий қилиш.
9. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш учун декларация ва мониторинг тизимини жорий этиш.
10. Барча шартномаларда антикоррупция моддаларини мажбурий киритиш.

II. ШАФФОФЛИК

1. Келгуси лойиҳалар рўйхатини мунтазам ягона ахборот портали орқали эълон қилиш.
2. Барча тендер жараёнларини электрон тарзда амалга ошириш.
3. SOURCE платформасини мажбурий жорий қилиш ва уни қонунчиликда мустаҳкамлаш.
4. SOURCE орқали тендер жараёни, шартнома матнлари ва ижро мониторингини рақамлаштириш.

5. Шартнома маълумотларини очик маълумот сифатида эълон қилиш.
6. Барча тендер натижаларини тўлиқ ва очик эълон қилиш.
7. Барча лойиҳаларда ижро мониторинги ва ҳисобот беришни автоматлаштириш.
8. Ягона электрон тендер платформасини мажбурий қилиш.
9. Барча лойиҳаларда олти ойлик ҳисоботларни мустақил аудиторлик орқали баҳолаш.
10. Жамоатчилик иштирокини таъминлаш ва CoST каби халқаро механизмларни жорий қилиш.

III. СОҲАГА СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖАЛБ ЭТИШ

1. Дастлабки баҳолашда AI

- а. Лойиҳа концепцияси ва техник-иқтисодий асосини сунъий интеллект ёрдамида автоматик таҳлил қилиш.
2. Барқарорлик рейтингида AI
 - а. Компанияларнинг экологик ва молиявий барқарорлигини AI орқали баҳолаш.
3. Real-time мониторинг
 - а. Лойиҳа харажатлари, муддатлари ва KPIларни AI орқали реал вақт режимида кузатиш имкониятини яратиш, бунда Инфратузилмада IoT сенсорлар билан интеграция қилиш.
4. Коррупция хавфини аниқлаш
 - а. Тендер жараёнида AI алгоритмлари орқали манфаатлар тўқнашуви ва коррупция хавфини аниқлаш.
5. Валюта ва инфляция прогнозлари
 - а. AI орқали инфляция ва валюта курслари ўзгаришини прогноз қилиш ҳамда Лойиҳа молиялаштирилишида risk management'ни кучайтириш.
6. Автоматик ҳисобот генерацияси
 - а. AI орқали ҳисоботларни автоматик шакллантириш ва жамоатчиликка тақдим этиш.
7. Инвесторлар учун ишончли муҳит
 - а. AI орқали тендер жараёни ва шартнома маълумотларини шаффоф визуализация қилиш.
8. Due diligence жараёнида AI
 - а. Хусусий шерикларнинг молиявий ва ҳукуқий ҳолатини AI орқали текшириш.
9. Жамоатчилик иштирокида AI
 - а. AI орқали жамоатчилик фикрини таҳлил қилиш ва тендер жараёнига интеграция қилиш.
10. Халқаро экспертлар билан AI платформаси
 - а. Халқаро экспертлар иштирокини онлайн AI-консалтинг платформаси орқали таъминлаш.